



«Бугрохон ат-Туркий» деб танилган Шихобуддавла Хорун ибн Сулаймон Илиг бу йил Бухоро шахрига ҳоким бўлди. Кашгар ва Хитой чегарасигача Балосогун унга тегишли эди.

Абул-Хасан ибн Симжур вафот этиб ўрнига ўгли Абу Али Хуросонга ҳоким бўлгач, Амир ар-Родий Нух ибн Мансурга мактуб ёзиб отасининг бошқарувидаги жойларнинг ўзига берилишини сўраган эди. Бу таклиф қабул килинди ва унга хилатлар юборилди. Абу Али Хуросоннинг ўзига тегишли эканига заррача шубҳа килмас эди. Элчи Хирот йўлига чиккач, ўша тарафга йўналди. Хиротда ўша пайтда Фоик бор эди. Хилатларни ва ваъда килинган нарсаларни Хуросонда Фоикка етказди. Абу Али шундай килиб уларнинг ўзига тузук кўйишганини англади, бу уларнинг килмокчи бўлган ёмонликларига ишора эди. Фоик хилатларни кийди ва Хиротдан Абу Алининг устига юриш килди. Вазият унга хабар килингач, Абу Али энг сара одамларидан иборат бир отлик бўлинма билан йўлга чикди, ҳеч қандай хабар чиқармай манзилларни тезлик билан босиб ўтди ва Бушенж ва Хирот орасидаги бир жойда Фоикка хужум килди. Уни ва унинг одамларини тор-мор килди ва у ердан Марварруз томон ҳаракат килди.

Абу Али Амир Нухга мактуб ёзиб Хуросон волийлигининг ўзига берилиши учун килган

мурожаатини янгилади, Амир Нух ҳам бу таклифни қабул қилди ва Хиротни Фоикка қолдирди, бундан ташқари бутун Хуросон вилоятини ҳам унга берди. Абу Али шундай қилиб зафар қозониб Нишопурга қайтди ва Хуросонга тегишли солиқларни йигди. Амир Нух унга мактуб ёзиб қўшиннинг озик-овқати учун сарфлаш мақсадида йигилган солиқнинг бир қисмидан воз қечишни сўради, Абу Али узр сўради ва буни қилмади. Лекин бу ишни рад этгани учун бошига қеладиганлардан қўрқди ва Бугроҳонга мактуб ёзиб уни Бухорони босиб олишга ва Сомонийларнинг бу ердаги ҳокимиятига барҳам беришга чақирди, уни бу ишга ундади. Ўрталарида тузилган қелишувга қўра, бутун Мовароуннахрга Бугроҳон, Хуросонга эса Абу Али ҳоким бўлар эди. Шундан сўнг Бугроҳон бу ҳудудни эгаллаш хавасига тушди ва ўша ерга бир сафар уюштирди. Фоикка қелсак, у вазият ўнгангунча ва одамлари унга қўшилгунча Марваррузда қолди ва кейин рухсатсиз Бухоро томон кетди. Шундан сўнг Амир Нух ундан шубҳаланди ва устига қўшин юбориб унинг ҳаракатига тўсқинлик қилишни сўради. Бу қўшин Фоикка етиб қелгач ўрталарида жанг чиқди, охирида Фоик ва унинг одамлари мағлуб бўлдилар ва қайтиб Термиз томон кетдилар. Амир Нух Жужон ҳокими Абул-Харс Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Фарийғунийга мактуб ёзиб Фоикнинг устига ҳужум қилишни буюрди. Абул-Харс ҳам аскар тўплаб Фоикнинг устига юриш қилди, лекин Фоик уларга оғир зарба берди, мағлуб қилиб мол-мулкларини қанимат олди. Қолаверса, Бугроҳонга ҳам мактуб ёзиб уни Сомонийлар ерларини эгаллашга ундади. Шундан сўнг Бугроҳон Бухоро томон ҳаракат қилди, босиб олиш мақсадида Сомонийлар ерларига юриш қилди ва мамлакатни аста-секин босиб ола бошлади. Амир Нух унга қарши катта қўшин юборди, бош қўмондонликка эса катта қўмондонлардан бири бўлган Эне (?)ни қелтирди. Бугроҳон бу қўшин билан тўқнашди ва мағлуб қилди. Энени ва бошқа қўмондонлардан бир гуруҳини асир олди. Бугроҳон бу қўшинни мағлуб қилгач, Сомонийлар ерларини эгаллаш умиди қучайди, Нух ва унинг одамларининг эса жасорати синди. Амир Нух Абу Али ибн Симжурга мактуб ёзиб ёрдам сўради ва аскарлари билан ёнига қелишини буюрди; лекин Абу Али бу таклиф ва чақирикни қабул қилмади, шундай қилиб унинг Хуросонни босиб олиш истаги янада қучайди. Бугроҳон Бухоро томон йўналди, Фоик йўлда унга дуч қелди ва унинг хизматида кириб унинг томонида ўтди. Биргаликда Бухоро қаршисида қароргоҳ қурдилар, Амир Нух эса яширинди. Шундай қилиб Бугроҳон шаҳарга ҳоким бўлди ва ичкарига қирди. Бу орада Амир Нух яширинча Бухорони тарқ этди ва дарёдан ўтиб Омул-уш-Шаттга борди, ўша ерда яшади. Одамлари ҳам унга қўшилди ва ёнида катта бир тўда тўпланди. Улар ҳам Омул-уш-Шаттда қолдилар. Амир Нух кейин Абу Алига бирин-кетин элчилар ва мактублар юбориб ёрдам сўради ва унга итоат қилишни таклиф қилди, лекин Абу Али унинг айтганларини қилмади. Бошқа томондан Фоик ҳам Бугроҳонга мурожаат қилиб Балх устига юриш қилиш ва шаҳарни босиб олиш учун рухсат сўради. Бугроҳон унга Балх устига юриш қилишни буюрди, Фоик ҳам Балх устига юриш қилиб шаҳарга қирди.

Нухнинг Бухорога қайтиши ва Бугроҳоннинг ўлими

Бугроҳон Бухорога тушиб ўша ерда яшай бошлагач, бу ернинг ҳавоси саломатлигига яхши таъсир қилмади ва жиддий касалликка чалинди, шунинг учун Бухородан ажралиб турклар ерига кетди. Унинг Бухородан кетиши билан шаҳар аҳолиси у ерда қолган аскарларига қарши исён қўтардилар, уларни ўлдириб мол-мулкларини талон-торож қилдилар. Ўғуз турклари ҳам бу қирғин ва талон-торожга қўшилдилар.

Бугроҳон Бухородан йўлга чиққач, ажали етди ва вафот этди. Амир Нух унинг Бухородан кетганини эшитгач, ёнидаги одамлари билан Бухорога борди ва шаҳарга қирди, шундай қилиб пойтахтига ва ота-боболари юртига қайтди. Бухоро аҳолиси Амир Нухнинг қайтишидан жуда хурсанд бўлишди ва бир-бирларига мужда бердилар. Бугроҳон ўлгач, унинг одамлари ўз юртларига қайтиб кетдилар. Бугроҳон диндор, саховатли ва адолатли ҳукмдор эди. Халққа яхши муносабатда бўлар эди, олимлар ва дин пешволарининг дўсти эди, уларга икром қўрсатар эди. Ўзи учун «Расулulloх соллalloху алайхи васалламнинг озода қилинган қули» дейилишини истар эди. Унинг ўлимидан сўнг турклар бошига Илиғхон ўтди.

Ибни Асирнинг "Ал-қомил фит-тарих" китобидан
Абу Муслим таржимаси